

**«Ориент Финанс» Хусусий акциядорлик тижорат банки  
Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

**1. Банк уставига янги 6.5. банд киритилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Банк уставини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўмлик 9 000 000 (тўққиз миллион) дона умумий қиймати 11 250 000 000 (ўн бир миллиард икки юз эллик миллион) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.»

**2. Банк устави 9.1. бандининг 2-хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

« -ўзига тааллуқли инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;»

**3. Банк уставининг 9.6. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.»

**4. Банк устави 13.7. бандининг к) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;»

**5. Банк устави 14.3. бандининг а) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;»

**6. Банк уставига янги 15.25. банд киритилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Банк Кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.»